

12-1-2018

## NECESSITY OF USING SOCIAL PREFERENCE ON IMCOME TAX

M. Sabirov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Sabirov, M. (2018) "NECESSITY OF USING SOCIAL PREFERENCE ON IMCOME TAX," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Сабилов М. – ТМИ, катта ўқитувчи**

## **ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ИЖТИМОЙ ЧЕГИРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ**

Мақолада жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда ижтимоий чегирмаларни қўллашнинг зарурлиги асосланган ҳамда чегирмалар қўлланилишини такомиллаштиришга доир тегишли хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** солиқ ислохотлари, солиқ юки, солиқ имтиёзлари, даромад, жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий чегирма.

В данной статье обоснованы необходимости применения социальные скидки, а также приведены соответствующие выводы, научные предложения и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** налоговые реформы, налоговая нагрузка, налоговые льготы, доход, налог на доходы физических лиц, социальные скидки.

This article justifies the need to apply social discounts, and also draws relevant conclusions, scientific proposals and practical recommendations.

**Keywords:** tax reforms, tax burden, tax benefits, income, tax on personal income, social discounts.

### **Кириш**

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар янада чуқурлашаётган даврда, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби солиқ соҳасида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг марказий бўғинида бюджет муносабатларига ижобий таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси бўлган солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш тақозо этади. Бу борада солиқ сиёсатини эркинлаштириш мазкур соҳаларда эришиладиган ютуқлар гаровидир. Аҳоли турмуш даражаси ўсишида ва фаровон ҳаёт кечиришида унинг даромадлари ва харажатлари муҳим ўрин эгаллайди. Аҳоли даромадлари қанчалик ошиб борар экан, унинг турмуш даражаси сифати ҳам шунчалик яхшиланиб бораверади. Шундай экан, аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш, уни янада ошириш чораларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатимизнинг ҳозирги кунда олдига қўйган энг долзарб масалаларидан биридир.

Аҳоли даромадларидан тўланадиган солиқлар давлат бюджетини тўлдириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда, уларнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади [1].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Россиялик тадқиқотчи Т.Бархатованинг таъкидлашича, даромад солиғи воситасида давлат ҳаттоки бир-бирига зид келувчи турли хил вазифаларни ҳал қилади. Яъни, бир томондан, даромад солиғи орқали давлат бюджетининг катта қисмини шакллантирса, иккинчи томондан, аҳоли даромадлари даражасини бошқариб боради ва шу орқали фуқароларнинг шахсий истеъмоли таркиби ҳамда жамғармаларини тартибга солади. Бошқа томондан кишиларнинг ўз даромадларидан имкон қадар рационал фойдаланишларини рағбатлантиради. Шунингдек, мазкур солиқ механизми ичида аҳолининг нисбатан кам таъминланган тоифаларига ижтимоий ёрдам беришни ҳам назарда тутиши мумкин [2].

Шундай қилиб, жисмоний шахслар даромадларидан солиқ аҳолининг пул даромадлари даражасига таъсир қилади, шу билан бирга давлат солиқни даромадлардан янада самаралироқ фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил сифатида ишга солади. Даромад солиғи воситасида аҳоли даромадларининг, айниқса юқори даромадларнинг бир қисмини аҳолининг муҳтож қатлами манфаатларига қайта тақсимлаш амалга оширилади. Шу орқали жамиятда фуқаролар даромадларидаги тенгсизлик маълум даражада текисланади.

Фуқароларнинг даромадларини солиққа тортишда адолат принципига таянилиши, даромадлар умумий ёндашувда, яъни ҳаммага бир хил тартибда солиққа тортилиши лозимлиги ҳақида маҳаллий олимларимиздан И.Ниязметов ҳам ўз илмий ишларида бир қатор фикрлар билдирган. Хусусан, у Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида келтирилган “солиқ солишнинг адолатлилиги” ва “солиқ тизимининг ягоналиги” принципларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги ҳолатларига алоҳида тўхталган. Даромадларни солиққа тортишда солиқ қонунчилигида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, аксинча бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган турли режимлар асосида даромадларга солиқ солинишини олим танқидий таҳлил қилган [3].

Шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг даромадларини адолатли солиққа тортиш принципи классик иқтисодчи Адам Смитнинг машҳур тўртта принципининг биринчисидир. Унинг солиққа тортишдаги адолат (тенглик) принципига кўра ҳар бир шахс давлат паноҳида топган даромадларига ва ўз тўлов қобилиятига мутаносиб солиқ тўлаши керак [4]. Смит принципининг моҳиятига кўра солиқ тўловчилар, биринчидан, давлат томонидан яратилган ижтимоий неъматларни истеъмол қилиб қўлга киритган бойлигига муносиб солиқ тўлаши керак. Иккинчидан, солиққа тортишда фуқароларнинг тўлов қобилияти ҳам ҳисобга олиниши керак. Мазкур тамойилни И.Ниязметов у ишлаб чиқилган даврда ҳам, ҳозир ҳам жуда кўп муҳокама қилинадиган, давлат миқёсида ҳам, алоҳида ижтимоий гуруҳлар (қатламлар) доирасида ҳам қаттиқ баҳс-мунозараларни келтириб чиқарадиган чуқур фалсафий маъноли тамойил деб тушунтириб кетган [5]. Чунки солиққа тортишдаги адолат нисбий тушунча бўлиб, олинаётган солиқ ёки солиққа тортиш тартиби бир томон учун адолатли кўринса, бошқа томон учун у адолатсиз бўлиб туюлиши мумкин. Солиққа тортишдаги адолат тушунчасининг яна бир мунозарали жиҳати шундаки,

жамиятнинг маълум бир қатламлари бўладики, улар харчанд давлатнинг ижтимоий неъматларидан баҳраманд бўлмасин, бу неъматларнинг мажбурий ҳақи, яъни солиқни тўлашга ноқобил бўлади. Бундай ижтимоий қатламдан давлат ўз ҳақини ундириб олишдан воз кечади ва буни бошқа бир (ўзига тўқ) қатламини юқорироқ солиққа тортиш ҳисобидан қоплайди. Айнан мана шу адолатни таъминлаш истаги солиққа тортишдаги прогрессивлик тушунчасини юзага келтирган [6]. Бу албатта давлат (умумжамият) нуқтаи назаридан адолатли ҳисобланади, бироқ юқорироқ солиққа тортилаётган қатлам ҳар қандай ҳолатда ҳам оғир солиқ босимини салбий воқелик сифатида қабул қилади.

Шу сабабдан, даромадларни солиққа тортишнинг замонавий тизимларида даромад солиғидан умумий, яъни стандарт чегирмалар бериш механизми шаклланган. Яъни, бундай чегирмалар фуқароларнинг бой ёки камбағаллиги, даромади қанча эканлигидан қатъи назар ҳаммага бирдек татбиқ этилади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Жисмоний шахслар даромад солиғи механизmidан самарали фойдаланишда ижтимоий чегирмалар тизими жуда муҳим элемент ҳисобланади. Чунки, айнан ижтимоий чегирмалар тизимини қўллаш орқали давлат жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мос равишда истеъмолини бошқаради. Ижтимоий чегирмалар бериш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилади. Бироқ, Ўзбекистонда мазкур кўп қиррали воситадан қарийб фойдаланилмапти.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, халқаро амалиётда кенг ва самарали қўлланиб келинаётган ижтимоий чегирмалар тизими амалда мавжуд эмас. Шу сабабли, даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмаларнинг халқаро амалиётини тадқиқ қилган ҳолда илғор хориж тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари аниқлаш жуда долзарб муаммо ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётлар ҳамда солиқ солишнинг халқаро амалиёти кўрсатишича, аксарият мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларига икки хил усулда солиқ солинади:

- даромаднинг тўлов манбаида;
- декларациялаш асосида.

Биринчи усулда асосан фақат битта жойдан даромад олиш, яъни одатда иш берувчида ёлланиб ишлаш орқали иш ҳақи тарзидаги даромадларни олиш ёки мулкдор (акциядор) сифатида даромад олиш солиққа тортилади. Лекин, жисмоний шахснинг даромад олиш манбалари бир нечта бўлса ёки унинг даромади ёлланиб ишлашдан келадиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар бўлмаса, у ҳолда фуқаро ўз даромадларини декларациялаш орқали солиқ тўлайди. Хусусан, Германия мисолида кўрадиган бўлсак, бу давлат қонунчилигида шу нуқтаи назардан даромад солиғи икки турга бўлинади:

1. Умумий даромад солиғи (*Einkommensteuer*)
2. Иш ҳақидан ушлаб қолинadиган даромад солиғи (*Lohnsteuer*)

Биринчи турда даромаддан солиқ жисмоний шахс томонидан солиқ муस्ताқил равишда, белгиланган шаклдаги декларация асосида тўланади. Иккинчи турда эса даромад солиғи иш берувчи томонидан иш ҳақидан ушлаб қолиб ўтказиб берилади. Бироқ, Lohnsteuer Einkommensteuerдан фақат ундириш усули билан фарқ қилади. Lohnsteuer тўлов манбаидан йиғилади ва иш берувчи томонидан тўғридан-тўғри солиқ идорасига ўтказилади. Лекин, Einkommensteuerни фуқаро ўзи тўлаши керак бўлади.

Ҳар бир солиқ декларацияси аудит остида, шунинг учун агар, солиқни баҳолаш ўтказилмаса ва олдиндан ҳисобланмаса, баҳолаш фақат келажакда фавқулодда вазиятларнинг (масалан, солиқдан қочиш) пайдо бўлиши билан ўзгариши мумкин. Германияда даромад солиғи декларациянинг якка ҳолда ёки оилавий жуфтликда тақдим этилишига қараб қуйидаги ставкаларда солиққа тортилади.

### 1-жадвал

#### Германияда даромад солиғи ставкалари (2017 йил)

Якка ҳолда		Оилавий жуфтликда	
ставка	Солиқбазаси (EUR)	ставка	Солиқбазаси (EUR)
0 %	8820 гача	0 %	17 640 гача
14-42 %	8821-54 056	14-42 %	17642 - 108112
42 %	54 057-256 303	42 %	108114 – 512 606
45 %	256 304 ва ундан юқори	45 %	512 608 ва ундан юқори

Жадвалдан кўринадики, Германияда солиққа тортиладиган даромаднинг бошланғич даражаси 15% қилиб белгиланди ва солиқ ставкаси тобора ошиб боради. Йилига 54057 евро миқдорида даромад оладиган шахсларга нисбатан солиқ ставкаси 42% га, жуда юқори даромад оладиган шахслар учун, яъни 256304 евродан юқори бўлган даромадлар учун 45% миқдорида солиқ ставкалари белгиланган.

Шу билан бирга, Германия ҳар бир даромад олувчи учун солиққа тортилмайдиган даромад миқдори амал қилади ва 2017 йилда 8820 евро, эр-хотин учун эса 17640 евро ташкил қилган. Натижада, даромадларга ҳақиқий солиқ юки қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

### 2-жадвал

#### Германияда резидентлар даромадларига ҳақиқий солиқ ставкаси (2016 йил) [7]

Солиқ	Солиққа тортиладиган даромад (еврода)					
	8 652	15000	20 000	30 000	40 000	50 000
Даромад солиғи	0	1275	2 560	5 468	8 826	12636
Олдинги поғонада ҳисобланган солиқ	0	60.60	140.8	300.74	485.43	694.98
Даромад солиғининг якуний суммаси	0	1335.6	2700.8	5768.74	9311.43	13330.98
Даромадга ҳақиқатда (якуний) фоиз ставкаси	0%	8.90%	13.50%	19.23%	23.28%	26.66%

Жадвалдан кўринадикки, Германияда ўртача, яъни 50000 еврогача бўлган миқдорда даромад оладиган фуқароларга, 14-42 фоиз оралиғидаги прогрессив ставкалар амал қилсада, солиқ юки тахминан 9-27 фоиз оралиғида ошиб боради. Бу катта миқдорда стандарт ижтимоий чегирма мавжудлиги сабаблидир.

#### **Хулоса**

**Биринчидан:** Мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларини ошириб бориш учун, биринчи навбатда солиққа тортилмайдиган даромад, яъни умумий ижтимоий чегирма миқдорини сақлаб қолиш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан:** Бундан ташқари, кўпгина бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Германияда ҳам солиққа тортиладиган даромадни камайтирувчи турли хил ижтимоий чегирмалар амал қилади. Мисол учун, 18 ёшга тўлмаган (мактабга қатнайдиган) болалари учун чегирма, касаллик бўйича муайян чегирмалар, турли хил суғурта мукофотлари миқдорини, шунингдек хайрия ва сиёсий бадалларини даромаддан чегириш каби ижтимоий чегирмалар мавжуд.

**Учинчидан:** Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар солиқ-бюджет сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида, улар даромадларининг муайян қисмини давлатнинг марказлашган пул фондини шакллантириш учун давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади.

**Тўртинчидан:** Жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тизимини кенгайтириш билан бир вақтда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни жорий этиш аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, кам даромадли оилалар учун бу жуда муҳимдир.

**Бешинчидан:** Резидент жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасидан ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўрта ва махсус таълим муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш ташкилотларига қилган ижтимоий харажатларини йиллик ҳисобланган даромад солиғининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташлаш тартибини амалиётга қўллаш лозим.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Куликова М.А. Зарубежный опыт подоходного налогообложения физических лиц и возможности его применения в отечественной практике // Мордовский государственный университет имени Н.П.Огарёва. Саранск, Россия, 2016.

2. Бархатова Т.А. Пути совершенствования стандартных и социальных налоговых вычетов по НДФЛ // Бухгалтерский учет, налоги и налогообложение. – СПбГУСЭ, 2012. С.167-173.

3. Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: «Молия», 2016. – 17 б.

4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. – 384 с.

5. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. //Дарслик. –Т.: “Шарк”. 2009. -225 б.
6. Озеров И. Основы финансовой науки. Учение об обыкновенных доходах. – М., 1908. Вып.1.
7. <http://closeurope.com/nalogi-dlya-fizicheskikh-lic-v-germanii/>
8. <http://www.europa-invest.net/steuern/einkommensteuer>
9. Муаллиф томонидан [www.europa-invest.net](http://www.europa-invest.net) маълумотларидан фойдаланиб тузилган
10. <http://closeurope.com/nalogi-dlya-fizicheskikh-lic-v-germanii/>